

ХУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ҚАРАШЛАРИДА УСТОЗ-ШОГИРД МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ашурова Марҳабо Сайфуллоевна

Бухоро Давлат Университети

Мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Кошифий тарбия борасида фикрини давом эттириб аввало, устоз-шогирд муносабатларга алоҳида тўхталади. Воиз фикрича шайхлик исботи дарё каби саховатли бўлиш, яъни, ҳеч бир вазиятда ўзгармасдан мустаҳкам туриш ва ҳамма нарсани фикр андиша билан ҳал қилиш кераклигини айтиб ўтади.

Калит сўзлар: одоб, ахлоқ, тарбия, ахлоқий тарбия, фазилат, хулқ, устоз, пир, муршид.

Аннотация: Данная статья продолжает точку зрения Кошифи на образование, и в первую очередь он акцентирует внимание на отношениях учитель-ученик. По словам проповедника, доказательство шейхства в том, чтобы быть щедрым, как река, то есть твердо стоять в любой ситуации и решать все своим мнением.

Ключевые слова: манеры, нравы, образование, нравственное воспитание, добродетель, поведение, учитель, пир, муршид.

Annotation: This article continues Koshifi's opinion on education, and first of all, he focuses on the teacher-student relationship. According to the preacher, the proof of sheikhdom is to be as generous as a river, that is, to stand firmly in any situation and to decide everything with an opinion.

Key words: manners, morals, education, moral education, virtue, behavior, teacher, pir, murshid.

Кошифий тарбия борасида фикрини давом эттирар экан аввало, устоз-шоғирд борасидаги муносабатларга ҳам алоҳида тўхталиб ”агар муриднинг одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айтгил. “Аввал шуки, у ўз ишига пухта бўлиши керак, пок ният билан иш бошлаши даркор. Иккинчидан, собит эътиқод билан сулукни бошласин. Учунчидан, пирнинг назарига тушгач, ўз ҳаловати ва одатларидан воз кечсин. Тўртинчидан, кўриши лозим бўлмаган барча нарсалардан кўз юмсин. Бешинчиси, эшитилиши нораво ҳисобланган нарсалардан қулоқни беркитсин. Олтинчиси, қилиниши ман этилганлардан кўлини тортсин. Еттинчидан, ўз пирининг мухолифлари билан муомла-муносабатда бўлмасин”¹.

Агар шоғирдликнинг биноси ниманинг устига қурилади, деб сўрасалар, иродат устига, деб жавоб бергин. Агар иродат нимадир, деб сўрасалар, само ва тоатдир, деб айтгин. Агар само (эшитиш) ва тоат нимадир, деб сўрасалар, устоз нимаики айтса уни жон қулоғи билан эшитиш, чин кўнгил билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда адо этишдир, деб айт. Агар шоғирд учун нима яхши, деб сўрасалар, пок эътиқод деб айт, чунки фақат эътиқод кишини муродига етказди. Агар шоғирд нима орқали матлуби мақсадига етади, деб сўрасалар, хизмати орқали, деб айтгин. Агар хизматининг биноси нимага қурилган, деб сўрасалар роҳатни тарк этиш ва заҳматни чекиш асосига, деб айтгин. Агар шоғирдликни рукнлари нечта, деб сўрасалар, тўртта деб айт. Биринчиси, мард бўлиб ишга киришиш, яъни футувват йўлини мардона қабул қилиш, зеро, киришмасдан кўрқиб туриш, орқага суриш ва йўлдан қайтишдан кўра ёмонроқ. Иккинчиси - сидқидилдан хизмат қилиш. Учунчиси - кўнгилни ва тилни бир-бирига мувофиқ тутиш, яъни тўғри гапириб, тўғри амал қилиш. Тўртинчиси - насихатга қулоқ солиш ва устоздан эшитганини ёдда тутиб, унга ама қилиш.

¹ Ўша жой 317-б.

www.pedagoqlar.uz

Агар шогирдликни одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айт. Аввал шуки, қабулга кирганда ёки устозни кўрганда, биринчи бўлиб салом бериш. Иккинчи- устознинг олдида оз гапириш. Учинчи- бошни олдинга эгиб туриш. Тўртинчи- кўзни ҳар томонга югуртирмаслик. Бешинчиси - агар масала сўрамоқчи бўлса, олдин устоздан ижозат олиш. Олтинчиси - устоз жавоб айтганда, эътироз билдирмаслик. Еттинчиси - устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик. Саккизинчиси - ўтириб- туришда ҳурматни тўлиқ сақлаш.

Кошифий мурид тушунчасини изоҳлаб, агар “мурид” сўзининг маъноси нима деб сўрасалар, жавоб бериб айтки, муриднинг луғавий маъноси истовчи, хоҳловчи демак. Зеро, ботинда хоҳиш бўлмаса зоҳирда ҳеч бир амал кўзга ташланмагай. Ва тариқат тилида “мурид” деб, нафснинг барча мурод (истак)ларидан қутулган одамга айтадилар. Бундай одамнинг пирнинг хоҳишидан ўзга хоҳиши бўлмайди. Агар муридликнинг рукнлари нечта, деб сўрасалар, олтига деб айтгил, яъни фармонга итоат этмоқ, рост сўзламоқ, вафоли бўлмоқ, насиҳатга қулоқ солмоқ, дилозорлик қилмаслик ва сирни сақламоқ. Агар муридликнинг жавҳари (мағзи) нима деб сўрасалар, бу – тариқат биродарларининг хурсандлиги, деб айтгил. Агар муриднинг сармояси (бойлиги) нима, деб сўрасалар, пок эътиқод ва равшан кўнгил, деб айт. Агар муридликнинг қонуни нима деб сўрасалар, ўзига раво кўрган нарсаларни ўзгаларга раво кўриш ва ўзига раво кўрмаган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўрмаслик, деб жавоб бергил. Агар пир - муридликнинг безаги нимадир, деб сўрасалар мурирдан хизмату вафо, пирдан эса ҳиммату ато (лутф эҳсон), деб жавоб бергил². Тариқат йўлига кирган киши пирга эҳтиёжманддир.

Инсон илм йўлини танладими у албатта тўсиқларга учрайди ва бу йўлда унга ҳамроҳ ва ҳамдард бўладиган бир пиру-устозга эҳтиёж сезади. Шу ўринда бир нарсани айтишни жоиз деб билдик, агар киши уч нарсасини илм йўлига бағишламаса у юкмайди: ақлини, вақтини ва бойлигини.

² Ўша жой 316-б.

Агар шайхлик рукнлари нечта деб сўрасалар, еттита деб айтгил. Биринчидан, комил маърифат эгаси бўлсин, яъни ўзини таниган бўлсин. Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамшунос киши бўлиб, бир нигоҳ ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғай олсин. Учинчидан, етук руҳий маънавий куввати бўлсин, токи мурид (тариқат йўлида адашса), унга маънавий мадад бериб, мушкулини осон қилолсин, тўғри йўлга солсин. Тўртинчидан, етарли даражада одам бўлсин, яъни ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмасин. Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риё ва тамани тарк этсин, мол ва мансаб деб бировга сарғаймасин, эгилмасин. Олтинчидан, ростлик ва беғараз дўстликни шиор қилсин, ҳақ сўзни ҳар ерда, ҳар қандай шароитда айта олсин, гапирганда иккиюзламачилик қилмасин. Еттинчидан, қалбида шафқат нури порлаб турсин, мурид манфаатини ва умум манфаатини ўз манфаатидан устун қўйсин.

Биз биламизки ҳар бир нарсада меъёр ва ўлчов бўлади шундай экан Воиз айтганидек шайхликнинг ҳам ўз меъёрлари бўлади ва бу бузилса мезон ўзгаради. Бу борада Кошифий “агар шайхлик меъёри нима, деб сўрасалар, бу - унинг қалбидан муриднинг чуқур жой олиши, мурид муродининг ҳосил бўлишидир”, деб жавоб бергил, деганлар. Устознинг заруратлари нимадан иборат деган саволга эса улар тўртта деб айт: биринчи - муридни барча ғам – андуҳ зулматдан халос этиш; иккинчи- муридга раво деб буюрилган қоидаларга ўзи ҳам амал қилиш, мурид учун ман этилган нарсаларни ўзи ҳам тарк этиш; учинчи - ўзини бамисоли чўпон, муридларни эса рама ҳисоблаб, ҳар қандай шароитда ҳам мурид ҳимоясидан бош тортмаслик; тўртинчи - муриднинг мол-мулкини ўз манфаати учун ишлатмаслик ва ўзлаштирмаслик деб жавоб берганлар.

Кошифий шайхлик одоби борасида эса , ҳеч кимга хиёнат кўзи билан карамаслик ва барчага меҳрибон, раҳмдил бўлиш кераклигини алоҳида таъкидлайди. Воиз фикрича шайхлик исботи дарё каби саховатли бўлиш, яъни,

ҳеч бир вазиятда ўзгармасдан мустаҳкам туриш ва ҳамма нарсани фикр андиша билан ҳал қилиш кераклигини айтиб ўтганлар.

Аллоҳ ҳеч бир нарсани сабабсиз яратмаган. Ўз жойида шундай такрорланмас ва тартиб билан яратганки, инсониятнинг ақли ожизи етмайдиган даражада. Қуръони Каримнинг “Наҳл” сураси асаларилар деб номланиб, 68-оятда (эй Муҳаммад!) Раббингиз асалариларга ваҳий (буйруқ) қилди: “Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) курадиган нарсаларга ин курингиз. 69-оят Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигорингиз (сиз учун) кулай қилиб қўйган йўллардан юрингиз!”. Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур”³. Ана шу ерда Танги яратган тартиб ва меъёрни яққол кўриш мумкин. Бу борада Жалолиддин Румийнинг ҳам фикрларига тўхталамиз:

Ҳақ таъоло илми бирлан бол ари,

Хона тиклайди тўла ҳолвалари.⁴

Тасаввур қилайлик, она асалари ўлиб қолса бутун оила тарқоқ ҳолатга келади ва парокандаликка юз тутади. Шунинг учун ҳар икки йилда она боши (она асалари 5-8 йил умр кўради) алмаштирилиб турилмаса унинг иш фаолияти самарали бўлмайди. “Анвори Суҳайлий” асарининг кириш бобида Ҳумоюнфол подшонинг овга чиққани ва дарахт ковагида уя қўйган асалариларни кўриб уларни тартиб интизом билан ишлашлари, биргина бошлиққа сўзсиз итоат қилишларини кўриб ҳайрон қолади. Подшо доно вазирига мурожаат қилиб, нега арилар мана шундай интизомга бўйсундилар одамлар эса бунақа эмас, деб сўрайди. Шунда вазир, арининг ҳилқати бир хил унсурдан яралган ва унда ақл йўқ, у амалларини беихтиёр бажаради. Инсон табиатида эса турли бир – бирига зид унсурлар борлиги учун ҳам улар доимо зиддиятлар қуршовида яшайди, деб жавоб беради. Бундан вазир шундай

³ Қуръони Карим. Абдулазиз Мансур таржимаси.Т.: “Ислом университети”. 2001.128 оятдан иборат бўлган “Наҳл” сураси. 274-Б

⁴ Жалолиддин Румий. Ҳикматлари.Т.: “Шарк”.2008.229-бет
www.pedaqoqlar.uz

хулоса чиқаради: агар инсонлар ҳам бир бошлиққа бўйсуниб итоат ва тартиб интизом бўйича ишлаганда эди, уларга подшоҳнинг ҳам кераги бўлмас эди. Демак инсонларга бир шоҳ керак экан унинг вазифаси ана шундай ҳар хил табиатли инсонларни муросаага келтириб, адолат йўли билан иш кўриши керак. Кошифий яна “Билимсиз куч адли йўқ шоҳдир, қуввати йўқ илм эса адолатли, лекин лашкари йўқ шоҳ кабидир”. деб уқтиради.

Билгилки, улуғлар дарвешлик барча адабдир демишлар. Яъни ҳар бир вақтнинг, ҳар бир ҳолатнинг, ҳар бир мақомнинг ўз одоби бордир. Бас, кимки одобни сақласа, мардлар мақомига ета олади. Ҳаким Абулмажд Санойй “Ҳадиқатул ҳақиқат” (“Ҳақиқат боғчалари”) асарида дебдурким, суҳбат адаб натижасидир ва адаб ҳурмат натижаси ва ҳурмат савфат (соф, покиза) натижаси ва савфат кўнгли натижаси ва кўнгил ақл хазинаси ва ақл эса сир хазинаси, сир маърифат хазинасидир... Ва дебдурларки, зоҳирий адаб ботин адабининг белгисидир. Ҳар бир одам бирор мартабага эришса, одобидан эришади.

Хулоса ўрнида ҳам Кошифийнинг фикрларини келтирамиз “ одамзод ўз ахлоқини ўзгартириб боради, яъни хулқ – атвор яхшилик томон ўзгариши керак ва бу сўзнинг ҳақиқати шундаки, одамлар мақбул ва номақбул ахлоқий сифатлар орасида доимий кураш боради, яъни ҳар бир сифат ўзига қарши сифатни йўқ қилиш пайида бўлади. Шундагина пештахта (сандиқ) ичидаги “қалб” (араб тилида қалб сўзи ўзгарувчи, эвритувчи, деган маъноларни беради) яхши хислатлардан нишона бериб боради.

Адабиётлар:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Тошкент. Мовороуннаҳр. 2006.-186
2. Имом Аҳмад ибн Қудума Мақдисий. Минҳожулқосидийн (саодат изловчиларга қўлланма). Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-мантбаа бирлашмаси. 2009.- 175 б.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Риёзатун нафс (Нафс тарбияси). Тошкент. Мовороуннаҳр. 2006.-556
4. Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва гўзаллик. Тошкент: Адолат. 2004- 155

5. Хусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. Футувватномаи Султоний. Тошкент.: Ўзбекистон. 2019-238б
6. Sayfulloevna, A. M. (2020). The manifestation of the “Law on the unity of contradictions and struggle”. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1625-1635.
7. Sayfulloevna, A. M. (2021, May). FUTUVVAT (CHIVALRY)-THE MAON FORM OF MORAL EDUCATION. In *E-Conference Globe* (pp. 162-167).
8. Sayfulloevna, A. M. (2021). Futuvvat (Chivalry)-The Basis of Moral Education. *Central asian journal of literature, philosophy and culture*, 2(4), 39-43.
9. Sayfulloevna, A. M. (2020). Reflection of the " law of unity and struggle of opposites" in the dialectic of Jalaliddin rumi. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(8), 1996-2005.
10. Sayfulloevna, A. M. (2021). Spiritual and moral education issues in the works of eastern thinkers.
11. Faizullaevich, Z. S., & Sayfullaeva, A. M. (2020). Features of material culture of Bukhara. *Test Engineering and Management*, 83(5-6), 2740-2745.
12. Jobir o'g'li, Y. M., & Roziyabonu, S. (2022). 1-SINF MATEMATIKA DARSLARIDA GEOMETRIK MATERIALLARNI O'RGATISH. *THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH*, 1(9), 132-137.
13. YARASHOV, M. (2023). The Place of Digital Technologies in the Education System. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 30(30).
14. YARASHOV, M. (2023). Methodology of Application of Digital Technologies in Primary Education. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 30(30).
15. YARASHOV, M. (2023). The Process of Creative Organization of Primary School Mathematics Education through Digital Technologies. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 30(30).
16. YARASHOV, M. (2022). Characteristics of International Integration of Sciences in Primary Schools. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 23(23).
17. V. Hamdamova. (2022). THE ROLE OF HISTORICAL INFORMATION IN TEACHING TECHNOLOGY LESSONS. *Open Access Repository*, 9(11), 228–231. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/9H2DG>